

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИНГЛИЗ ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ
ФАКУЛЬТЕТЛАРАРО ЧЕТ ТИЛЛАР
КАФЕДРАСИ
ЎҚИТУВЧИСИ**

**Дадабаева Ферузанинг
Қодирийнинг “ Ўткан кунлар” асаридаги ҳаракат
тасвирининг олмонча ва русча таржималардаги
талқини номли**

ИЛМИЙ МАҚОЛАСИ

НАМАНГАН – 2019

XX аср ўзбек адабиётининг йирик намоёндаларидан бири Абдулла Қодирийнинг адабий мероси адабиётнинг барча тур ва жанрларида яратилган асарлардан иборат. Лекин унинг ўзбек адабиётига қўшган улкан ҳиссаси аввало унинг “Ўткан кунлар” романи билан белгиланади.

“Ўткан кунлар” асарида халқимизнинг муайян тарихий шароити, турмуш тарзи, маънавий дунёси, миллий урф-одатлари (оила қуриш, ота ва фарзанд муаммолари, тўю-аза), ташвиш-у қувончлари - барча- барчаси тўлақонли акс этган.

Бугунги ишимиз орқали биз ушбу асарда тасвирланган ҳаракат ва имо-ишора тасвирларининг русча ва олмонча таржималар талқини хусусида сўз юритмоқчимиз. Бадиий ижод жараёнидаги энг нафис ва машаққатли ҳолат одамлар ҳаётини, қалбини, қалбидаги нозик кечинмаларни моҳирона ифодалаш ва қоғозга туширишдан иборат. Қодирий ижоднинг бу сирини ва уни юзага чиқариш машаққатини теран тушунган, нозик ҳис этган.

Асарнинг “Бек ошиқ” фаслида Отабекнинг Кумушга ошиқлиги боис тунларни бедор ўтказиши ва бундан ташвишга тушган Хасаналининг ҳолатини тасвирлаш учун Абдулла Қодирий таъсирчан лавҳалар яратади:

- Сарой қоп-қоронғу, тинч уйқуда, аммо бу тинчликни сарой отхонасидаги отларнинг *қарт-қурт хашак чайнашлари* ва атрофдаги *хўрозларнинг қичқиришларигина* бузар эдилар. Хасанали секингина дарича остига ётиб хужра ичига кулоқ солди. Хужра тинч эди. Орадан уч-тўрт дақиқа ўтиб хужрадан *шип этган товуш эшитмади*. Тағин бир неча дақиқа кулоқ узмай туриб, сўнгра ўрнидан қўзғалмоқчи бўлган эди, ичкаридан

”Уфф” деган ихраш эшитилди. Хасанали қулоқлари диккайиб ўрнидан турди, кўзи олаланган эди.

Русча таржимада:

Стояла кромешная тьма. Тишину ночи нарушало лишь пение петухов где-то вдали да похрустывание клевера на зубах у лошадей. Хасанали приложил ухо к двери и прислушался. В комнате было тихо. Так прошло три-четыре минуты. По-прежнему ни звука. Немного постояв еще, Хасанали решил было уйти, как вдруг услышал тяжелый вздох. Он насторожился, в глазах зажглись беспокойные огоньки

Олмонча таржимаси:

Es war stockdunkel. Die naechtlliche Stille wurde nur durch fernen Hahnschrei und das Geraeusmahlen der Pferde gebisse gestoert. Das Ohr an die Tuer gepresst, horchte der Alte. Im Zimmer war es ruhig. Einige Minuten vergingen, noch immer kein Laut. Als Hassanali sich gerade entfernen wollte, vernahm er einen tiefen Seufzer. Er horchte gespannt, waehrend seine Augen unruhig flackerten

Маъноси:

Қоп-қоронғу тун эди. Тунги сукунатга фақатгина узоқдан хўрознинг қичқириши ва отларнинг овқат чайнашлари товушигина ҳалақит берарди. Қария кулоғини эшикка қадаб, ичкарига кулоқ солди. Хона сокин эди. Яна бир неча дақиқа ҳеч қандай товуш эшитилмади. Хасанали узоқлашмоқчи

бўлганида у чуқур хўрсинишни эшитди. У эшикка жиддий қулоқ солганида кўзлари бесаранжом чакнаб кетди.

Аммо буларнинг бирортаси аслиятдаги воқеликни муқобил акс эттира олмайди. Биринчидан, аслиятда муаллиф жонли тарзда “уфф” деган ихраш эшитилди, - деб ёзади. Таржималарда бу жонлилик йўқолган. Бундан ташқари, рус таржимони *тяжелый вздох* (оғир нафас чикарди), олмончада эса, *tieffen Seufzer-* (у чуқур хўрсиниш) деб ўтирилган. Ваҳоланки, олмон таржимони қўллаган *Seuzer* сўзи рус тилида *вздох, стон* — дейилади. Бу русча-ўзбекча луғатда ўзбек тилида *оҳ-зор, оҳ-воҳ, инграш, инқиллаш* деб берилган. Демак, таржима аслиятга монанд эмас. Агар биз катта “Ўзбекча-русча луғат” га мурожаат қилсак, унда *уфламоқ- охать, вздыхать, испускать вздохи,* деб ифодаланган. Энди ана шу сўзнинг олмон тилидаги ифодасига эътибор қаратсак: **охать** - *aechzen, kraechzen, seufzen, stoenen* деб айтилиши кўрсатилган. Бу луғатнинг бошқалардан анчагина бойлиги кўриниб турибди. Аслиятдаги жуда кўп тақлид товушларни ифодаловчи сўзлар таржимада мавҳум ўтирилганлигини кўришимиз мумкин. Агар, Абдулла Қодирий асарда тунги сокинликни отларнинг *қарт-қурт хашак чайнашлари* бузганлигини жонли қилиб, худди китобхоннинг ўзи ҳам шу товушни эшитгандек тасвирласа, таржималарда улар - *похрустывание клевера на зубах у лошадей (хашакни тишларида чайнашлари)* ҳамда *das Geraeusmahlen der Pferde gebisse (отларнинг овқат чайнашлари товуши),* деб берилади, холос. Аммо Хасаналининг қулоқлари *диккайишини* русчада - *он насторожился (кулоқларини диккайтирди)* тарзида адекват ўтирилган. Бирок олмончада яна аввалги *Er horchte gespannt (эшикка жиддий қулоқ солганида)* тарзида таржима қилиб қўя қолинади. Бундай таржимада аслиятдаги жонлилик, ранглилик йўқолади.

Олмонча таржимада таржимон бир жихатни қойилмақом қилиб ўтирганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Абдулла Қодирий аслиятда хўрозларнинг қичқиришлари ва отларнинг ем-хашакни картиллаб ейишлари жимликни бузган, деб тасвирласа, таржимада ана шу ҳаракатлар – *Die naechtliche Stille wurde ... gestoert (тунги сукунатга ҳалақит берди),* деб таржима қилинади. Таржимон Арно Шпехт ана шу ҳолатда сукунатга, осойишталикка асосий урғу бериб, ҳар хил товушлар унга ҳалақит берганлигини таъкидлайди. Бу, аслида, аслиятни бузиш эмас, унга ўзига хос сайқал бериш, янада таъсирчан чиқаришдир. Буни бир сўз билан олмонча талқин сифатида тушуниш керак. Чунки олмон тилида сукунат бузилмайди, балки унга ҳалақит берилади.